



МУҲАММАД СОЛИХ НУФУЗЛИ МУЛОЗИМНИНГ СЎЗИНИ ОЛГАНДА ЭДИ...

«Шаҳидлар хиёбони»даги масхарабозлик туркумидан

Айтаверса, сенинг куракда турмайдиган хурмача қилиқларингнинг санаб адоғига етиб бўлмайди. Президент Имомали Раҳмон ҳали Тожикистондаги уртўполонлар тиниб, энди давлат бошига келаётганда, унга “оғаларча берган ёрдам”ингни ва эвазига ундан тожик халқига хиёнат қилишни талаб қилганингни биров эшитса, ўлиб қолса ишонмайди. Ўшанда, сен Тожикистонга президент бўлиши тайин бўлиб қолган Имомали Раҳмонга Тошкентдан Душанбега учган учоқ билан бир сидра кастюм-шим жўнаттирган эдинг. Матоҳинг унга тор келганди. Кейинги йўналиш билан бир нечта турли бичимдаги кастюм-шим жўнатиб, уни хурсанд қилдинг. Ўшанда, уруш оловини борхо алангалантирганингдан ташқари, Тожикистонга кўрсатган “каромаат”ингманашубирнечасидра ҳар хил бичимдаги кастюм-шим бўлганди. Вақт ўтиб, президентлик курсисини мустаҳкамлаган Имомали Раҳмонни яҳудий ҳомийларингнинг топшириғи билан ўз йўригинга солиб

олишга уриндинг. У сен билан тил бириктирган ҳар қандай кимсанинг Исроил махсус хизматлари фойдасига хизмат қилишини яхши англари. Таклифингни эшитгач, у сендан ўзини узок тута бошлади. Сен эсанг, тилиқисиқ қилиш учун унга Тожикистонда халқ истеъмоли буюмлари танқис замонларни эслатиб, жўнатган бир нечта кастюм-шимларингни шаъма қилдинг. Имомали “колхозник”, бир “қўйчивон” бўлса ҳам, сени силтаб ташлаб оғзингга уришга ўзида шижоат топа олди. Чунки, унинг ота-онаси, ижтимоий келиб чиқиши, қайси динга мансублиги, қайси миллатнинг вакили экани маълум эди. У ҳам сенга ўхшаб ҳаромзода, миллати, дину диёнати бетайин бўлганда эди, бир неча сидра кастюм-шимга Тожикистонни сотиши ҳеч гап эмас эди.

Яна, “ҳалол” ва “ҳаром” деган иборалар хусусида ҳам, сенга икки оғиз сўз! Сен, исломдан тушунчаси йўқ манглайиқора, “ҳалол” деганда, “пок, тоза”, “ҳаром” деганда, “ифлос, искирт” нарсаларни тушунасан. Шунинг учун ҳам бутун Ўзбекистондаги ҳалол

дўконларни ва ошхоналарни: Нима, уларнинг еб-ичаётган нарсалари ҳалол – тоза экану, қолганларнинг еб-ичаётганлари ҳаром – ифлос эканми, деб ёптириб ташлатдинг.

Ислом тақиқламаган барча нарсалар мусулмонлар учун ҳалол (мумкин), тақиқлагани ҳаром (мумкин эмас) эканлиги сенинг ҳаёлингга ҳам келмади. Ҳалол ва ҳаромнинг луғавий жиҳатдан тоза ва ифлос атамаларига тўғридан-тўғри алоқаси йўқлигини, сен ўйлаб кўришни ҳам истамading. Уларни сен ўзингнинг қашшоқ маънавиятингдан келиб чиқиб, жуда тор маънода талқин қилдинг. Ниятинг, қандай бўлмасин исломни Ўзбекистон тупроқларидан супуриб ташлаш бўлгач, бу нарсанинг сен учун қизиқ жиҳати йўқлиги ҳам тушунарли бир ҳол, албатта.

Билъакс, мана шу сен йўқотмоқчи бўлаётганинг ислом, ўзингни бир кун гўрға тикишини ҳам сен яхши биласан...

Аммо, Аллоҳ гўзал ва пок зот бўлгани учун У тоза ва орасталикни севади.

Ифлос ва жирканч кимсаларни ҳар бир миллат, ҳар бир дин вакиллари орасидан керагича топиш мумкин бўлгани каби тоза ва пок инсонларни ҳам ҳар бир дин, ҳар бир миллат вакиллари ичидан истагача топса бўлади. Мусулмонлар ичида ҳам ҳалол ва ҳаромга қатъий рияз қилиб яшаб, тоза ва пок бўлолмагани, сенга ўхшаган жирканч ва манфурлари тикилиб ётибди. Шаклан мусулмон мазмунан сен каби мажусий ё мунофиқ бундай кимсалар, нафақат исломнинг ёхуд бошқа динларнинг – бутун башариятнинг ва Аллоҳнинг душманидирлар.

Гўсала, агар билсанг, бу масалада ғайридинлар ва худосизлар ҳам сендан кўра яхшироқ тушунчага эгалар. Бутун дунёда ҳар бир қадамда “ҳалол” ошхоналар ва супермаркетлар тикилиб ётибди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Биров сенга ўхшаб, уларга ола қарамайди. Уларда ислом жоиз деб топган озиқ-овқатлар сотилишини, ошхоналарда мусулмонлар ақидаси бўйича овқатлар тайёрланишини улар яхши биладилар. Бу нарсаларнинг ўзлари сотиб

бир марта йиғлаган бўлиши керак. Сен халқнинг аъмолига битилган мараз бўлганинг каби, Муҳаммад Солиҳ халқнинг боши устига осиб қўйилган равшан чирокдир. Сен чорак асрдан буён миллатни сичқон тиллони гурумига тортгани каби ернинг қаърига торсанг, Муҳаммад

тузиб, ким-кимларни ёлламадинг. Шу ишни деб, қанчадан-қанча пулларни ҳавога совурдинг, беҳудага куч-қувват сарфлаб, қанчадан-қанча тунларингни уйқусиз кечирдинг.

Аммо, Муҳаммад Солиҳ бу жабҳада, сенга қайрилиб ҳам

МУҲАММАД СОЛИҲ НУФУЗЛИ МУЛОЗИМНИНГ СЎЗИНИ ОЛГАНДА ЭДИ...

олаётган озиқ-овқатларга ва истеъмол қилаётган нарсаларга ҳеч қандай боғлиқлиги йўқлиги ҳам, уларга аён. Шу учун улар “ҳалол” ва “ҳаром” масаласида, сенга ўхшаб, ўзларини ҳақоратланган ва камситилган ҳис қилмайдилар. Улар ўзларининг дини ва ақидалари буюрган ёхуд кўнгиллари тусаган асосда, умри гузаронлик қилиб, ҳаёт нашидасини суриб юриверадилар...

Бироқ, мени ҳаммасидан ҳам сен билан Муҳаммад Солиҳнинг орасидаги чигал ва тушунарсиз муносабат кўпроқ қизиқтиради. Сенинг, унинг қатъияти ва самимиятидан милтиқнинг ўқидан кўрққандай кўрқинини миллатнинг асл фарзандлари чуқур ҳис қилгани каби мен ҳам ич-ичимдан чуқур ҳис эта оламан. Инсон шуури ва руҳияти билан узвий боғлиқ бундай ҳолатни, бировга сўз билан тушунтириш жуда ҳам қийин. Бунинг идрок қилмоқчи бўлган ҳар қандай ўзбек, ҳеч бўлмаганда, Навойини беш фойиз англаган ёхуд Қодирийнинг “Ўткан кунлар”ини ўқиб, ақалли

Солиҳ сарлочин бўлиб, уни осмонга олиб чиқмоқликнинг ўйида. Сен йигирма беш йилдан буён СПИД бўлиб, миллатнинг иммун тизимини емираётган бўлсанг, Муҳаммад Солиҳ йигирма беш йилдан буён миллатнинг томирида тоза қон бўлиб оқиб, унинг иммун тизимини таъмирлаш билан овора. На сен хиёнат қилиб чарчайсан, на у садоқатдан юз ўгиради. Шундай қилиб миллатнинг руҳиятида иккита қўшин тинмасдан жанг олиб борапти. Бири миллатни тиз чўктириб, оёқ-қўлига кишан соламан, деса, иккинчиси халқни ёруғ манзилларга бошлаб, хурлик диёрининг фуқораларига айлантираман, дейди. Бундай беаёв жанг, аслида, миллат танасида ва руҳиятида неча асрлардан буён давом этиб келаётган бир жараён...

Мени ҳайрон қолдирадигани, бу ҳам эмас. Мени, сенинг тахтга ўтирган кунингдан буён Муҳаммад Солиҳга уюштирадиган суъикасдларинг, фитна ва иғволаринг таажжубга солади. Уни ўлдиртириб юбориш учун нима ишлар қилмадинг, қанақа режалар

қарамади. Бўғзига пичоқ тиркаб турганинда ҳам бир киприк уриб, сандан омонлик сўрамади. У миллатнинг ишқи билан ёнди, халқнинг дарди билан нафас олиб, бутун куч-қувватини, ақли ва салоҳиятини халқнинг озодлигига ва мамлакатни тараққиёт манзилларига олиб чиқиш учун нима ишлар қилиш лозимлигига қаратди. Сенга қасд қилганда эди... Ўшанда ўзим гувоҳ бўлган воқеа: Агар Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистонда энг нуфузли мулозимлардан бирининг сени «бартараф қилиш» хусусидаги таклифини 1992 йил октябрида қабул қилганда эди, балки юз минглаган ўзбекнинг йигитлари сенинг терроринг боис жувонмарг бўлмасди, қамалмасди, хотинлари тул, болалари етиб қолмасди.

Балки...

Сен: “Агар кимки бу оқимларга ўз вақтида зарба бермаса, нима бўлади?!” деганинда, тўла ҳақсан. Ўз вақтида зарба берилмагани учун ҳам, сен халқнинг бошига нима кунларни солмадинг...

Эргаш Сулаймон



дейлади маърузада. Strategic Defense Intelligence экспертларининг тахминларига кўра, 2015 йилда Ўзбекистоннинг мудофаа учун ажратадиган харажатлари 2,4 миллиард доллар бўлиши кутилмоқда.

Маърузада ҳарбий харажатларнинг умумий давлат

боғлиқ», — дея қайд қилинади маърузада. ОАВ хабарларига кўра, 2015 йилда Россияда малака оширадиган ўзбекистонлик офицерлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар сони 6 бараварга, яъни 3 минг кишигача етади. Экспертларнинг фикрича, ушбу динамика Ўзбекистон ва Россия

2015 йилда Ўзбекистоннинг ҳарбий харажатлари ортади

25 декабрь куни Strategic Defense Intelligence консалтинг фирмаси эълон қилган маърузада таъкидланишича, 2020 йилга келиб Ўзбекистоннинг ҳарбий харажатлари 9,5% — 3,4 миллиард долларгача оширилади.

2010-2014 йилларда ҳарбий харажатлар 11,7%га оширилиб 2,2 миллиард долларга етган эди,

бюджетдаги улуши кўрсатилмаган. Аввалроқ Ўзбекистон бюджетининг умумий харажатлари 2015 йилда 38 триллион сўм (Марказий банк курси бўйича 15,9 миллиард доллар) бўлиши ҳақида хабар берилганди. «Ўзбекистоннинг ҳарбий харажатлари энг сўнги ҳимоя тизими ва террорчиликка қарши курашни кучайтиришга

ўртасидаги кадрлар малакасини ошириш соҳасидаги ҳамкорликнинг даражасини ифода этади.

Хусусан, буердагап Ўзбекистонга Россиядан етказиб бериладиган оғир ҳарбий техника ва авиация тизимига хизмат кўрсатувчи ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш ҳақида бормоқда.

ЎХХ ахборот бўлими



ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДНИНГ ЁШИНИ КАРИМОВ ЁШИГА ҚАРАБ БЕЛГИЛАШМОҚЧИМИ?

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 26 декабрь кунги мажлисида мамлакат президенти сайлови кунини 2015 йил 29 март, яшанба кунини деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси 2014 йилнинг 26 декабридан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясининг бошланганлигини эълон қилди ва президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини тасдиқлади.

Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати томонидан ушбу хабарнинг эълон қилиниши ортидан рус тилидаги бир қатор нуфузли нашрларда Ўзбекистондаги бўлажак президент сайловлари ҳақида хабарлар тарқатилди. Хусусан, «Лента.ру», «Росбалт», «Казахстанская правда» каби ахборот агентликлари Ўзбекистонда расмий равишда президентлик сайловларининг бошланганлиги ҳақида ёзишди. Эътиборли жиҳати, юқорида номи келтирилган нашрларнинг ёзишича: «Ўзбекистон президентлигига даъвогар шахс 30 ёшдан кичик бўлмаган ва сайловгача мамлакат ҳудудида 10 йил давомида яшаган бўлмоғи лозим».

Бироқ, кўпчиликнинг эсига ҳам келмайдиган Ўзбекистон Конституциясида бу борада бошқача талаб белгиланган. Хусусан, унинг 90-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши билладиган, бевосита сайловгача камида 10

йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, сайланиши мумкин», — дейилади.

Юқоридаги наشرлардаги хабарларда Ўзбекистон президентлигига номзод учун қўйилладиган ёш цензининг 5 йилга адашилгани жуда кўпол хатолик саналмаса ҳам хорижий нашрларнинг Ўзбекистон Конституциясига бўлган эътиборсизлигини ифодалайди. Мамлакат раҳбарининг ўзи томонидан оёқ ости қилинган

ҳужжатнинг бошқалар тарафидан ҳурмат қилинишини талаб қилиш ҳам нотўғри аслида.

Ўзбекистондаги президентлик сайлови «ўйинлари» ҳақида «Независимая газета» нашри берган хабар эса ҳаммасидан очиқ тушди. Нашрнинг ёзишича, «Ўзбекистон президентлигига даъвогар шахс 30 ёшдан кичик ва 77 ёшдан катта бўлмаган ҳамда сайловгача мамлакат ҳудудида 10 йил давомида яшаган бўлмоғи лозим».

Кўриниб турибдики ушбу хабардаги «77 ёшдан катта бўлмаган» ибораси 30 январь кунини 77 ёшни тўлдирадиган Каримовнинг ёшига қараб тахминан ҳисоблаб ёзиб юборилган. Ўзбекистон Конституциясида эса президентликка номзоднинг ёши катталиги бўйича ҳеч қандай ценз учрамайди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида янги қабул қилинган Конституцияга киритилган 65 ёш чеклови ҳам ҳокимиятда узоқ вақт қолишни ният қилган Каримов томонидан 90-йилларнинг ўрталарида олдириб ташланганди. Бошқа сўз билан айтганда ушбу қоида ортиқча шов-шув қилинмасдан Конституция варақларидан ғойиб бўлганди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистоннинг ўзгарувчан Конституциясида президент ваколатларини белгилаб берувчи 90-моддага тузатиш охириги мартга 2011 йил декабрда киритилганди. Тузатишга мувофиқ, Каримов ваколатини яна қайтадан янгилаш мақсадида Ўзбекистонда президент ваколат муддати етти йилдан беш йилга камайтирилганди.

ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбекистон Қирғизистон жанубига қайта газ беришни бошлади

Бугун, 30 декабрь кунини тунги соат 12 да Ўш шаҳри аҳолисига газ берилади. Бу ҳақда Ўш шаҳар газ бошқармаси берган маълумотга таяниб «Қабар» давлат ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Бошқарма вакилининг сўзларига кўра, шаҳар тармоғига газ соат тонги 03.00 да етиб келган.

Аҳолига эса газ ХБК митти туманидан бошлаб босқичма-босқич тарзда бугун кечаси соат 12.00 дан етказиб берилади.

«Газпром Қирғизистон» МЧЖ ходимининг сўзларига кўра, 2014 йилнинг апрель ойида Қирғизистон жанубига газ берилиши тўхтатиб қўйилганидан бери Қирғизистон ҳукумати даражасида ва «Газпром» ОАЖ воситасида Ўзбекистон томонидан билан кўплаб музокаралар олиб борилган. Музокаралар доирасида давлат ва ҳукумат раҳбарлари ўртасида ҳам икки томонлама учрашувлар бўлиб ўтган.

Сўнги ўтказилган бир нечта учрашувлар натижасида шу ойда Қирғизистон жанубига газни қайта етказиб бериш ҳақида қарор қабул қилинган.

Айни пайтда «Қабар» давлат ахборот агентлиги Ўзбекистондан қайта газ етказиб бериш ҳақидаги музокараларнинг ижобий натижа беришида «Gazprom Schweiz AG» компанияси билан 2015 йилда 100 млн. кубометр газ етказиб бериш ҳақидаги шартноманинг муҳим рол ўйнагани ҳақида ёзади.

«Вечерний Бишкек» газетаси берган хабарга кўра, ҳозирда жанубий вилоятлар аҳолиси учун табиий газ тарифлари шимол билан бир хил қилиб белгиланган. 2015 йилнинг январь ойдан бошлаб Қирғизистон Миллий банки ўрнатган долларнинг расмий курсидан келиб чиқиб янги тарифлар жорий қилинади.

Эслатиб ўтамиз, Россиянинг «Газпром» ширкати Қирғизистоннинг «Қирғизгаз» компаниясини рамзий 1 доллар эвазига сотиб олганидан сўнг Ўзбекистон шу йилнинг 14 апрелидан бошлаб Қирғизистон жанубига газ етказиб беришни тўхтатиб қўйганди.

ЎХХ ахборот бўлими



«Товушимизни орқамиздан чиқаришга ҳам кўрқамиз»

Хўрликданми, — *Кирғизистоннинг жанубида газ йўқлиги?*

Хўрликданми, — *Ўзбекистоннинг жанубидан сас йўқлиги?*

Дегандир: — *Кўзанинг эгаси кулол ҳар доим, мундида сув ичаркан...*

Шунгадир: — *Газнинг эгаси ўзбек ҳам мудом, ўчоққа тезак қаларкан...*

Мақсадим, икки қардош ўзбек ва қирғиз халқи ўртасига совуқлик солиш эмас, аксинча ким айбдор ва нима қилмоқ керак – деган муаммони биргалашиб ўйлаб мулоҳаза юритишдир.

Хохлайсизми — йўқми, катта ўз назарини кичикка қаратиш учун, ўз нигоҳини пастга қаратишлиги, — табиат қонунидир. Биз Ўзбекистон халқи, ўзимизни Қирғизистон халқидан шижоатли ва қатъиятлироқ, каттароқ, жойи келса ақлироқ – деб ҳисоблашимиз ҳам сир эмасдир, — «аммо шундай-микан?...», -деган савол пайдо бўлмоқда, келинг бир фикрлашиб кўрайликчи:

2014 йилнинг апрелидан бошлаб Қирғизистон жанубига Ўзбекистон газ бермай куйганлиги ҳақида ва ушбу муаммони ҳал этиш юзасидан Қирғизистон Парламенти ва Бош вазири ўзларининг ўзбек ҳамкасбларига кўплаб эътироз ва баёнотлар бераётганлиги ҳақида кўп ва хўп ёзилган эди, аммо Россия Президенти ҳам айнан мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Президентига мурожаат этганлиги жуда эътиборга моликдир. Сабаби,

Россия Президенти, нима сабабдан айнан ўзига тобе бўлмаган мустақил кўшни давлат бўлмиш Қирғизистоннинг жанубида яшайдиган аҳоли учун қайғурмоқда, шуни ҳам таъкидлашимиз жоизки, Қирғизистон жанубида русийзабон аҳоли эмас, айнан этник ўзбек миллатига мансуб Қирғизистон фуқаролари кўпчилиги ташкил этадилар?... Ушбу саволнинг ечимини кейинроқ қидирсакда, энди ўз аҳволимизга қайтсак:

Ҳеч кимга сир эмаски, Ўзбекистон табиий газининг асосий қисми Ўзбекистон жанубидан олинаётганлиги ва бутун Ўзбекистон ҳудудига (асосийси Хитой ва Афғонистонга) тарқатилиши айнан ҳақиқатдир, аммо айнан ўша жанубда яшайдиган аҳолининг ўзида, нафақат 2014 йилнинг апрелидан, балки бир неча йиллардан буён табиий газнинг йўқлиги ҳам айнан ҳақиқатдир...

Яқин ўтмишимизга назар солсак, барчамизнинг ёдимизда: — Парламент депутатларининг дастурларида ҳам ва энг асосийси Президентнинг энг мақтанвор чиқишлари ва ишлари айнан аҳолини, шу жумладан қишлоқ аҳолисини табиий газ билан таъминлаш бўлиб, ҳар доимгидек узундан-узоқ маърузаларида неча-неча километрлаб қишлоқларга газ қувурлари ўтказилганлиги ҳақида тинмай оғиз кўпиртирилиб мақтанлар эди. Расмий статистикаларга асосланган бўлсак, Ўзбекистоннинг 95-98% аҳолиси табиий газ билан таъминланганлигини кўришимиз мумкин. Ҳақиқатда-чи, ҳақиқий аҳвол қанақа, ростманасига

аҳолининг 30-40% — қатлами газ билан таъминланганмикан? Бугунги кунда ушбу масалада нега жимлик-сув куйгандек сукунат?

Мана сизга, мақтанчоқликни ошириб – ҳақиқий ҳолатни яшириб олиб борилаётган мақтанчоқ ҳукуматнинг еттиюзламачилик сиёсатининг яна бир ёрқин мисоли... Энди, бугунги мавзуга, ушбу саволларнинг долзарблиги ва уларнинг ечимига қайтсак:

Қирғизистон жануби аҳолисининг асосий қисми этник ўзбек миллатига мансуб Қирғизистон фуқаролари эканлигини назардан қочирмаган ҳолда, куйидаги саволга жавоб излаб кўрсак:

Биринчи савол: — Қирғизистон бош вазири ва Парламенти, нега энди аҳолисининг асосий қисми этник ўзбекларни ташкил этадиган жануб вилоятларига, 2014 йилнинг апрел ойидан бошлаб Ўзбекистон томонидан газ берилмаётганлигига бунчалар эътибор қаратиб, Ўзбекистонга эътироз билдиришмоқда ва бунданда ҳайратланарлиси ва асосийси ушбу муаммони ечимини топишга ҳаттоки Россия Президенти В.В. Путинни ҳам жалб этмоқдалар?

Гарчанд, матбуотда, Қирғизистон жанубида яшаётган этник ўзбек миллатига мансуб Қирғизистон фуқароларнинг ҳақ-хуқуқлари, Қирғиз ҳукумати томонидан чекланаётганлиги ҳақида анча-мунча хабарлар тарқатилиб турган бўлсада?...

Ушбу ҳолни, қандай баҳоламоқ лозим, Қирғизистон ҳукуматининг этник ўзбек миллатига мансуб ўз фуқароларининг ҳақ-хуқуқини чеклаш дебми ёки аксинча уларни ҳимоя этиш — дебми?

Иккинчи савол: — Табиий газ қазиб олинаётган Ўзбекистоннинг жанубида ҳеч бир муболагасиз айтиш лозимки бир неча йиллардан буён нафақат қишлоқ жойларида, ҳаттоки туман ва шаҳар марказларида ҳам табиий газнинг йўқлиги айни ҳақиқатдир, аммо нега ушбу долзарб муаммога на Ўзбекистон Парламенти, на Бош вазири ва на Президент ўзларининг эътиборларини қаратишни ишташмаяпти. (Россия Президентининг эътиборини орзу ҳам қилмайлик). Аксинча пилдир-

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

пис бўлишиб табиий газ ҳақидаги эртақларни мутлақо унутиб юборишган кўринади?

Мум тишлашганми ёки талқон ютишганми? Гарчанд, казиб олинаётган газнинг 90% дан кўпроғи айнан жануб вилоятлари улушига тўғри келиб турган бўлсада ва Ўзбекистон Президенти тинмасдан Қашқадарёни ўзининг иккинчи ватани деб ҳисоблашлигини тинмай такрорлашдан чарчамаётган бўлсада?

Ушбу ҳолни, қандай баҳоламоқ лозим, Ўзбекистон Президентининг ўз (иккинчи) ватанига хиёнат қилиши — дебми ёки энг катта эртақчи кундуз бобонинг

ўлмасдан кетмас Президентлари ҳам эшитмаяпти, ахир ростда, — «қайси она-йиғламаган боласини эмизар экан»?

Бу, эртақ ёки уйдирма эмас, афсуски ачиқ ҳақиқат, ҳақиқат бўлганида ҳам ўз ҳаётимиз ҳақиқати.

-«Биз Ўзимизни Қирғизистон халқидан шижоатли ва қатъиятлироқ, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни биладиган ақллироқмиз — деб ҳисоблашимизга асосимиз бормикан?...» -«Ёки бўлмаса, Россия Президентидан, нега у бизнинг жонажон Президентимизнинг кулоғига, Ўзбекистон жанубига ҳам озроқ газ бериб қўйинг, бечоралар совукдан

Негмановани, сайловдаги ноҳақликларга қарши курашга бел боғлаган Шухрат Рустамовни, узоқ Қурия давлатига бориб, фоҳишилик ёки ўзга жиноят қилиб ўзини ва халқини шаънини ерга урмасдан, балки корейс халқига тенглар ичида тенг бўлиб турмушга чиққан ва саунада ўзбек миллатига мансуб бўлганлиги учун камситилганига қарши қатъий кураша олган Қуриялик ўзбек аёлини, ҳамда Гулнора Каримова атрофида турли миш-мишлар болалаб кетганлиги учун ҳам ҳақиқатни аниқлашга бел боғлаган ва «Хоин» деб ном олмоқ нақадар шараф!... — номли мақолалари билан халқнинг юмиқ кўзини

«Товушимизни орқамиздан чиқаришга ҳам қўрқамиз»

навбатдаги эртагининг ниҳоялаб поёнига етиб бораётганлигининг яна бир кўриниши — дебми?

Айнан, ушбу саволларнинг жавобини ҳам оддийликдан ва табиийликдан излашга тўғри келади. Шу ўринда — «Бола йиғламаса — она эмизмайди» -деган халқ мақолини эсга олиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Яъни:

Биринчи саволга жавоб: — Қирғизистон ҳукумати томонидан, гарчанд ҳақ-ҳуқуқи поймол этилаётган бўлсада, аммо оиласи ва фарзандлари совукда қолишини иташмаган, аҳолисининг асосий қисми этник ўзбек миллатига мансуб бўлган қирғиз фуқаролари, -«шунчалар чинқириб йиғлаб дод солибдики, уларнинг овозларини нафақат Бишкекдаги Қирғиз ҳукумати, ҳаттоки Москвадаги Рус раҳбари ҳам эшитиб жунбушга тушибди». Раҳмлари келганларидан, гарчанд ўз ваколат доираларига кирмасда, рус президенти ўзбек президентига эътирозларини билдирибди.

Иккинчи саволга жавоб: — Ўзбекистон жанубида яшаётган ўзбек фуқаролари, ўта сермулоҳазалик ва одоб сақлаган ҳолда (ўз қўрқоқлиги ва мутеликларини шундай атайдилар), гарчанд совукдан кўқариб касалманд бўлиб қолишсаларда, аммо сипойиликни сақлаган ҳолда, ўз давлатидан — ўзининг жонажон давлатидан ўз ҳақ-ҳуқуқини, озроққина табиий газ беришларини сўрашга ҳам ботина олмасдан — ийманганларидан, уларнинг овозларини ҳеч ким эшитмаяпти. Ҳаттоки уларни жуда яхши кўрувчи ва севувчи ўзларининг бўлмас-

ўлиб кетишмасинлар — деб шипшиб қўймаганлиги учун хафа бўлишга асосимиз борми? Гарчанд ўзимизнинг товушимиз орқамиздан ҳам чиқмаган бўлсада?... (Аслида шунга ҳам қўрқамиз)»

Ҳар бир инсоннинг ақл тарозиси бирлан виждонига ҳавола, кимгадир агарда қаттиқ ботган бўлса, демек ҳали умид бор. Халқнинг ғурури охиригача ўлиб бўлмабди...

Ҳали эрки ва ғурурини охиригача топтатиб ташламаган ҳар бир инсон, ўз-ўзига, -«наҳотки мен, Қирғизистонда яшаётган этник ўзбек миллатига мансуб кишичалик ўз ҳақ-ҳуқуқимни ўз давлатимдан сўрай олмасам, ахир мен ўз ватанимда — ўз Ўзбекистонимданманку» -деган саволни авваломбор ўзига бериши лозим. Мен халқ учун жон фидойиликни ўтмиш тарихдан файласуфона мисоллар келтирмайман, аксинча сиз ва биз билан ёнма-ён яшаётган, ўз шаъни ва ғурури учун курашаётган ва халқ дарди билан қуйиб ёнаётган ва айнан мазкур сайтда номоён бўлаётган, қуйидаги инсонлар мисолида кўрсатмоқчиман:

- « **О м о н о т г а - х и ё н а т** » мақолаларида, Ўзбек ҳукуматининг хийла-ю-найранглари оқиб-ойдин очиб ташлаётган ва халқнинг ҳаққи учун мардоновор курашга отланган Жаҳонгир Шосалимовни, Ўзбекистонда қонун устиворлиги ва адолат учун курашаётган Баҳром Абдурахимовни, Ўзбекистонни чирмовуқдек ўраб халқнинг мулкани-қонини зулукдек сўриб ётган коррупциялашган мафияларга қарши, бева ҳолига қўрқмасдан очик-ойдин курашаётган Чамангул

очишга бел боғлаган қўрқмас — мард Малоҳат Эшонкулова каби халқимизнинг бугунги, сиз ва биз билан биргаликда битта жамиятда яшаётган ва қатъият ва шижоат кўрсата олаётган миллатимизнинг ҳақиқий жонкуяр эрлари ва мард ўғил бола хотин-қизларини мисол қилиб, айнан ҳар биримиз худди ана шу ватандошларимиз каби қурқувни четлаб ўтиб адолат ва ҳақиқат учун курашга бел боғламоқлигимиз лозимлигини айтмоқчиман.

Хулоса ўрнида, ҳаммамиз биргаликда фикр-мулоҳаза юритиб қўрайликчи:


-Қирғизистон жанубига 2014 йил апрел ойидан буён газ берилмаётганлигини бутун дунё эътироф этаётганлиги ва натижада уларни Россиянинг газпроми газ билан таъминлашликлари, қирғиз жанубининг асосий аҳоли қатламини ташкил қилувчи этник ўзбек миллатига мансуб Қирғизистон фуқароларининг хордик ва хўрланишиданмикан?...

-Ўзбекистон жанубига бир неча йиллардан буён газ берилмаётганлиги ва электр энергияси ҳам сурункали ўчирилаётганлиги, натижада жануб қишлоқ ва туманлари аҳолиси қабр азобидек қоронғу ва совуқ зах уйларда умргузаронлик қилаётганлиги хурлик ва ғурурланишданмикан?...

Тагин, жанубликларни, қони қайноқ-ғурури баланд дейишар эдилар, қани улар ёки совуқ ва қоронғу зах уйларда ётавериш қони ҳам совуқ қолганмикан, бечора хотинлари...

Холдор Равшан

(Давоми: Боши олдинги сонда)



Мехмонлардан бириси “Сен карам ва жўмардликда денгизсан, сенга бу хусусда ким вакил бўлишга кучи етади?”, деди.

Расулulloҳ саволини такрорлаганида, Ҳазрати Али “Мен сенинг вакилинг бўламан”, деди.

Расулulloҳ унга “Қарзимни сен тўлаяжаксан, ваъдаларимни сен бажаражаксан”, деди.

Шундан кейин Расулulloҳ гапини шу сўзларла давом эттирди: “Ҳамд Аллоҳга махсусдир. Мен унга ҳамд айтаман. Ёрдамни ҳам ундан сўрайман. Унга инонаман, унга суянаман. Шубҳасиз биламан ва билдираман-ки, ундан бошқа илоҳ йўқдир. У бирдир, унинг эши, ўртоғи йўқдир! Ҳар ҳолда, ўтлоқ излашга юборилган одам оиласига келиб ёлғон сўзламас. Валлоҳи, мен бутун инсонларга ёлғон сўйласам ҳам сизга сўйламасдим. Бутун инсонларни алдаган бўлсам ҳам, сизни алдамасдим. Сизни даъват этганим Аллоҳ шундай бир Аллоҳдирки, ундан бошқа Илоҳ йўқдир. Валлоҳи, сизлар уйкуга кетгандай ўлажаксиз, уйкудан уйғонгандай тирилажаксиз ва бутун қилмишларингиз учун ҳисобга тортилажаксиз! Я х ш и л и к л а р и н г и з н и н г мукофотини кўриб, ёмонликларингизнинг жазосини чекажаксиз! Буларнинг оқибати ёки мутлақо Жаннат ёки мутлақо Жаҳаннамдир. Инсонлардан илк огоҳлантирилганлари сизларсиз. Эй, Абдулмутталиб ўғиллари! Валлоҳи, араблар ичида дунё ва охират учун менинг сизга келтирганимдан устунроқ ва

хайрлироқ бир нарсани ўз қавмига келтирган бошқа бир йигитни билмайман! Мен сизни тилда осон айтилган, мезонда (тарозида) эса оғир босадиган икки калимага даъват этаман. Бу “Ла илаҳа иллаллоҳ ва Муҳаммадун абдуҳу ва Расулulloҳу” дир. Бунга шаҳодат этишингизни Аллоҳу Таоло менга амр этди. Эй Абдулмутталиб ўғиллари! Мен махсус ўлароқ — сизга, умумий ўлароқ — бутун инсонларга пайғамбар қилиб юборилдим. Сиз бу хусусда аввал кўрмаганингиз баъзи мўъжизаларни ҳам кўрдингиз. Менга юкланган вазифани адо этишим учун менга ёрдамчи ва биродар бўлишни, Жаннатни қозонишни ким истайди? Ким

тасдиқладик. Бу тўпланганлар сенинг боболарингнинг зурриётларидир. Мен ҳам улардан биттасиман. Уларнинг ичида сен истаган нарсаларинг учун энг тез югурадигани, онг бўлсин-ки, мен бўламан. Сен сенга амр этилганларни адо этишда давом эт! Онг бўлсин-ки, сенинг атрофингни қуршаб, сени ҳимоя қилишдан чарчамайжакман! Нафсимни Абдулмутталиб динидан чиқишга мажбур қилолмадим. Ҳар ҳолда, у динда ўламан, -деди.

Абу Лаҳабдан бошқа ҳаммаси юмшоқ ва яхши сўзлар айтдилар.

Фақат Абу Лаҳаб:

— Эй Абдулмутталиб ўғиллари, бу бир шаър ва ёмонликдир! Бошқалари унинг кўлини қайириб,

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (24).

бу йўлда биродарим ва соҳибим бўлиб, менга баёт этади?”, деди Расулulloҳ алайҳиссалом.

Ҳеч ким оёққа қалқмади.

Мен дархол ўрнимдан турдим.

Мен у ердагилар ичида ёши энг кичиги эдим.

Расулulloҳ менга, “Сен ўтир!”, деди.

Ва саволини уч маротаба такрорлади.

Ҳар сафар мен оёққа қалқдим.

У эса ҳар сафар “сен ўтир”, дер эди.

— Ё Расулulloҳ, мен ёшим кичик, оёғим қувватли бўлмаса — да, сенга қардош ва ёрдамчи бўла оламан, — дедим мен.

Ҳамма жим эди!

Саволни уч марта такрорлаб бўлганидан сўнг, Расулulloҳ кўлини менинг кўлим устига қўйиб:

— Сизларнинг ичингизда бу менинг қардошим, васийим ва ёрдамчимдир. Унинг сўзларини тингланг ва унга итоат этинг. Бу ишга амакимсиз, амакимнинг ўғли ворис бўлди, — деди Расулulloҳ алайҳиссалом.

Йиғилганлар кулишиб, ўрnidан турдилар ва Абу Толибга:

— Қара, сенга ўз ўғлингга итоат этишни буюрди. Унга итоат эт, — дейишди.

Абу Толиб эса уларга:

— Тинч қўйинг уни, амакисининг ўғли бошини фақат хайрли тарафга эгади, — деди ва Расулulloҳга юзланиб:

— Биз учун сенга ёрдам этишдан ҳам сеvimли нарса йўқдир. Ўғитларингни қабул этдик. Сўзларингни тамом

бу ишдан қайтармасидан олдин, сиз бу ишни қилингиз! Агар бугун унга бўйин эгсангиз зиллатга, ҳақоратга учрайсиз! Уни ҳимоя қилсангиз, сизларни ўлдиражаклар!, — деди.

П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссаломнинг Аммаси София бинти Абдулмутталиб Абу Лаҳабга:

— Эй биродарим! Биродаримнинг ўғлини ва унинг динини ёрдамсиз, хўр ва ҳақир ташлаб қўйиш сенга ярашадими? Валлоҳи, олимлар анчадан буён Абдулмутталиб ўғилларидан бир пайғамбар чиқишини айтиб келаётгандилар. Мана ўша пайғамбар!, — деди.

— Онг бўлсин-ки, сенинг умидинг пучдир! Зотан хотинларнинг сўзлари эркакларга тушовдан бошқа нарса эмас! Қуръайш оилалари, улар билан бутун араблар оёққа турса, уларга қарши қўяжак на кучингиз бор? Валлоҳи, улар бизни чайнамай ютади, — деди Абу Лаҳаб.

Абу Толиб унга:

— Эй кўрқоқ одам! Валлоҳи, токи биз тирик эканмиз, унга ёрдам этамиз, уни ҳимоя этамиз деди, — ва Пайғамбаримиз алайҳиссаломга қараб:

— Эй биродаримнинг ўғли!

Роббингга даъват этмак истаганинг пайт бизга айт, қуролланиб, сен билан бирга майдонга чиқамиз, — деди.

П а й ғ а м б а р и м и з алайҳиссаломнинг Сафотепасида туриб, Қуръайшликларга қилган даъвати

“Сен аввал энг яқин

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қариндошларингни инзор эт (огоҳлантир, кўрқит) — (Шуаро, 214) ояти нозил бўлганида, Расулulloҳ алайҳиссалом Сафо тепасига чиқиб, кулоқларини бармоғи билан ёпиб:

— Ё, Сабоҳаҳ! Эй қуръайш жамоати!, — дея хайқирди (Термизий, «Сунан», 5/339).

Одамлар “ким у хайқираётган?” дея сўрадилар, уларга жавобан “Бу Муҳаммад, Сафо тепасидан хайқирапти”, дейишди.

Эшитганлар келиб, Пайғамбаримиз алайҳиссалом атрофига тўпландилар. Улар “Ё Муҳаммад, нима хабар бермоқчисан?”, деб сўрадилар.

— Мен билан сизнинг ҳолингни душманни кўриб, оиласини огоҳлантириш учун чопаётган, “Ё сабоҳаҳ”, дея бақираётган одамнинг ҳолига ўхшайди. Сизларни талон қилиш учун шу тоғдан чиқажак босқинчилар ҳақида сизга аввалдан хабар берсам, менга ишониб тасдиқлармидингиз?, — деди

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (24).

Расулulloҳ алайҳиссалом.

— Ҳа сенга ишонардик, чунки биз сенинг тўғри сўзли эканингни тажрибамиздан биламиз, — дейишди тўпланганлар.

— Ундай бўлса, мен сизларни шиддатли бир азобдан огоҳлантириш учун келдим, бу иш учун маъмур қилиндим. Эй, Абдулмутталиб ўғиллари! Эй, фалонча ўғиллари!

Аллоҳу Таоло менга энг яқин қариндошларимни азоб билан кўрқитишимни буюрди. Сизлар токи “Аллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқ” (Ла илаҳа иллаллоҳ) демагунча, мен сизга на дунёда бир фойда бераман, на-да охиратда бир насибга восита бўла оламан, — деди Пайғамбаримиз алайҳиссалом.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломга отиш учун кўлига тош олган Абу Лаҳаб:

— Ҳайф сенга! Бизни келиб шу гапга чақирдингми?, — дея бақирди.

— Эй Қуръайш жамоати, ўзингизни жаҳаннам оташидан қутқарингиз!, — деди Расулulloҳ алайҳиссалом ва бутун Қуръайш қабилаларини бир-бир санаб, бу огоҳлантиришни такрорлади.

Аммо қабилаларнинг вакиллари ўз исмларини эшитганида, бир-бир орқасига қайтиб кета бошладилар.

Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

Сиз киёмат куни яхши амалларингиз билан келмасангиз, бўйнингизга дунёни юклаб келсангиз, мен сиздан юз ўгираман. У кун сиз менга “Ё Муҳаммад” дея саслансангиз, мен шундай жавоб бераман (юзини улардан буриб кўрсатди), — деди.

Исломиятни Маккада ёйишда ғайрат қилганлар, мусулмонлигини кўркмасдан очик айтганлар

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ёнида тўпланган мусулмонлар Исломиятни тарғиб қила бошлаганида, Маккада бу дин ҳақда эшитмаган қолмади.

Ҳазрати Абу Бакр, Саид бин Зайд, Ҳазрати Усмон, Абу Убайда бин Жарроҳ Макка халқини исломга даъват эта бошладилар. Ҳар қандай таҳликани кўзга олган ҳолда, мусулмонликларини кўркмасдан эълон қилганлар шу етти мужоҳиддир:

1. Расулulloҳ алайҳиссалом

2. Ҳазрати Абу Бакр

3. Билол Ҳабаший

4. Микдо бин Асвад

5. Суҳайб бин Синон

6. Аммар бин Ёсир

7. Сумайя Хотун (Аммор бин Ёсирнинг онаси)

Исломиятнинг Маккада эълон қилинишидан кейин мусулмон бўлганларнинг баъзилари

1. Пайғамбаримизнинг аммаси Ҳазрати София

2. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг холаси Ҳазрати Ҳорика

3. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг амакиси Ҳазрати Аббос

4. Ҳазрати Аббоснинг завжаси Умму Фадл хотин

5. Ҳазрати Аббоснинг озод қилинган кули Абу Рофий

6. Амр бин Обаса

7. Абу Зарриъл Гуфорий

Абу Рофий дейди-ки: “мен Аббос бин Абдулмутталибнинг кули эдим. Исломият уй халқи ичида тарқалиб, Аббос мусулмон бўлди. Аббос ўз қавмидан кўрқарди., уларга қарши ҳаракат қилишни истамас, шу боис мусулмонлигини яширарди. Чунки у бадавлат эди, мол-мулк қавмининг инсонлари устига ёзилиб насиёга тарқатилган эди”.

Амр бин Обасанинг мусулмон

бўлиши

Амр бин Обаса дейди-ки: “мен жоҳилия даврида қавминнинг бутларига топинишни рад қилгандим. Бутларга сиғинишнинг залолатдан бошқа нарса эмаслигини билардим. Бир куни Таймо халқидан Китоб аҳли бўлган бир зотга дуч келдим. Унга “бутга сиғиниш ботил эканини биламан, менга бундан хайирлироғини тавсия қилсангчи”, дедим.

У менга:

— Маккада бир зот зухур этажак, у қавмингни бутлардан юз ўгириб, бошқа бир нарсага даъват этажак. Сен уни кўриб, эшитганинда унга дарҳол тобе бўл. Чунки у диннинг энг устунини келтиражакдир, — деди.

Ўша кундан бери Маккадан келганларнинг, у ердаги янгиликларини мунтазам сўраб турдим. Бир куни туяда бир одам келиб қолди, одатдагидай, ундан “Маккадан бир янги хабар борми?”, деб сўрадим, у “ҳа, бор, Маккада бир зот пайдо бўлиб, ўз қавмини бутлардан юз ўгиришга, бошқа бир илоҳга иймон ва ибодат этишга даъват этаяпти”, деди.

Мен дарҳол туямга миниб, Маккага жўнадим.

Маккага келганимда қоладиган жойимга бордим, у ердагилардан у зот ҳақида сўрадим.

Қайси кўз билан кўрайки, Расулulloҳ алайҳиссалом яширинибди!

Қавми унга қарши жуда тажовузкор ҳаракат қила бошлабди.

Менга “уни фақат кечалари, тавоф этаётганида учратишинг мумкин”, дейишди.

Мен Каъбанинг олдида ётиб, ухладим. Уни фақат таҳлил саси билан таний олдим. Дарров ёнига бордим, салом бердим.

— Сен кимсан?, — деб сўрадим.

— Мен пайғамбарман, — деди.

— Пайғамбар не демак?, — дедим.

— Аллоҳнинг элчиси демак, — деди.

— Сени ким йўллади?, — дедим.

— Аллоҳу Таоло йўллади, — деди.

— Нима билан йўллади?, — дедим.

— Бир бўлган Аллоҳга шерик қўшмасдан ибодат этиш, бутларни синдириб улоқтириш, акраболарга ёрдам этмак, кон тўкмаслик, йўл хавфсизлигини таъминлаш каби вазифалар билан юборди, — деди.

(Давоми келгуси сонда)

Тилимизни йўқотяпмиз... Балки мусофирчиликда кўпроқ билинаётгандир, лекин фикримча Ватанда ҳам шу умумий ҳол. Интернет, телевизор ва радиода аксарият эшитадиганимиз она тилимиз эмас... Тишга босадиган ва арзигулик жиддий хабарларни ёки рус, ёки инглиз тилида оламиз. Маҳаллий янгиларга, айниқса газета ва телевидениега ишонччи йўқотганмиз... Адабиётни йўқотяпмиз... Ўзбек тилида китоб ўқимамай қўйганмиз. Охириги 20 йил ичида ўзбек тилида чоп этилган, жиддий ҳаётий ва ижтимоий муаммоларни ёритадиган жонли асарларни бир қўлдаги бармоқлар билан санаб бўлса керак. Кичкинтой



ТИЛСИЗ ЎЗЛИГИМИЗНИ ЙЎҚОТАМИЗ...

болажонлар учун чиқадиган китобларни гапирмаса ҳам бўлади: рус тилидан бемаза таржима қилинган нушалар. Болаларимизга ўзбек тилида шеър ва ашулалар ўргатмаймиз. Ривожланган мамлакатларда аксарият одамлар йилига ўртача 10-15 та китоб ўқиса, биз ўз тилимизда ҳаттоки бир дона китоб топиб ўқишимиз амри маҳол. Метро, автобус ёки боғларда китоб ўқиб юрганларни деярли кўрмаймиз. Телефонларимиз экранига чўкиб, вақтимизни йўқотяпмиз... Билимни, ривожланишни йўқотяпмиз... Бир алифбодан иккинчисига ўтамиз, лекин янги алифбода юз минглаб нашрдаги илмий адабиётларни чоп этишга молия ажратмаймиз. На у, на бу алифбода саводи тўлмаган авлодларни ўстирамиз. Инженерлик, медицина, молия каби жиддий мавзуларда таяниб ўқиганимиз яна ўша рус тилидаги илмий нашрлар бўлади. Университетларда баҳоларни савдолашамиз. Кейинчалик, инсонлар тақдириниям. Билмасдан,

инсофни йўқотамиз...

Мантқиқни йўқотяпмиз... Ривожланган давлатларда кутубхоналар нафақат ўқиш, балки билим олиб ривожланиш, мулоқот ва баҳс қилиш учун ишлатилади. Жажжи болалардан катталаргача ҳафтанинг ҳар бир куни турли ўқиш тўғрақларида янги китобларни ўқиб, ўз таъсуротларини бўлишади. Биз эса кутубхоналар кураимиз улкан ва кўркам, илм ва фанга чорлаш учун эмас, биноларни кўз-кўз қилиш учун, улар атрофида айланиб, фаввораларни томоша қилиш учун кураимиз. «Она тилим, жону дилим» деб шиорлар осиб қўямиз, лекин давлат идораларида ҳалигача рус тилида иш юритамиз.

Рус тилида хатолар билан қарорлар ва буйруқлар ёзамиз. Ўзбек тилида бўлганда хатолар ундан ҳам кўпроқ бўлади. Катта-катта учрашувларда қийналиб-сикталиб русча гапиришга ҳаракат қиламиз, ваҳоланки ўтирганларнинг аксарияти ўзбек-забонлар. Ҳали ҳануз мажлислар ўтказилса, 20та ўзбек-забон ичида

бири ўзбекча гапирмайдиган бўлса, тушунмай қолмасин деб ҳижолат бўлиб рус тилида гапирамиз. Баъзилар рус тилини чала-пула илғаб зўрга тушунса, бу ҳақида ўйламаймиз ҳам. Катта шаҳарларда русча гапирган «маданиятли», ўзбекча гапирган эса «ҳарип». Аслида «ҳарип» эмас «ғариб» (ғарблик, яъни европалик) дегани ўрта асрларда Марказий Осиё илм-фани ривожланган вақтларда ғарбликлар қоқоқ бўлгани учун ишлатилган сўз. Ёзда Тошкентда кизил чирокда устимдан босиб кетай деган ҳайдовчига «кўзизга қарасез бўлмайдими» десам, машинасини устимга ҳайдаб тўхтаб, ўдағайлаб, ҳайқириб «Ти по русски говори со мной, харип» деганди. Энг кулгилиси ўша ҳайдовчини башарасига «жайдари ўзбек», деган тамга босилганди. Тилсиз ўзлигимизни йўқотамиз...

Энг қизиғи, агар шу ёзганларим рус тилида бўлганида ҳаттоки ўзбек дўстларим орасидан кўпроқлари ўқиган бўларди...

Нодир Зокиров

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги визасиз режим узайтирилади

Қозоғистон парламентининг Мажилиси «2000 йил 7 июлда имзоланган Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги фуқароларнинг ўзаро келиб-кейтиш шартлари тўғрисидаги битимга ўзгартиш ва қўшимчалар китиш тўғрисидаги протоколнинг ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини маъқуллади. Бу ҳақда UzDaily хабар берди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон вакиллари тегишли битимни 2014 йил 19 январь куни Остона шаҳрида имзолаган.

Турли хилдаги даромад ва фойдадан олинадиган солиқларни назорат қилувчи шартнома иловасида Қозоғистон ва Ўзбекистон фуқаролари учун иккала мамлакатга кириш, чиқиш ва бўлиб туриш учун керакли ҳужжатлар рўйхати келтирилган.

Ўзбекистон ушбу рўйхатга мамлакатда жорий қилинган янги ҳужжат турларини (Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик турдаги паспорти ва дипломатик паспорти, 16 ёшга етмаган Ўзбекистон фуқаросининг гувоҳнома, қайтиш тўғрисидаги гувоҳнома) киритишни таклиф қилган.

ЎХХ ахборот бўлими



билимга эга эканлиги тўғрисидаги сертификатларни тақдим қилишлари лозим. Меҳнат муҳожирлари сертификатларни махсус тест марказларида олишлари мумкин. Шунингдек улар ушбу соҳалардаги билимларини

мақсадида Россия Федерацияси таркибидаги алоҳида минтакалар оёига 1200 рубль турадиган патент қийматида қўйиладиган коэффициентни оширишлари ёки туширишлари мумкин.

Патент олиш учун Россия Федерацияси чегарасини кесиб ўтган кундан эътиборан 30 кун ичида Федерал Миграция Хизматининг минтакавий бўлинмаларига мурожаат қилиниши лозим. Агар меҳнат муҳожирлари ушбу муддат

2015 йил ўзгаришлари: Меҳнат муҳожирлари патентни қандай расмийлаштиради?

2015 йилда муҳожирлар билан боғлиқ Россияда қонунчилигида йирик ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Асосий ўзгаришлар «Хорижий фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги қонунга киритилади. Хусусан, янги йилдан бошлаб Россия ҳудудига визасиз киришга рухсат берилган мамлакатлардан келган меҳнат муҳожирлари меҳнат фаолиятини амалга оширишлари учун одатдагидек ишлаш учун рухсатнома эмас, балки юридик ва жисмоний шахслар учун мўлжалланган патент олишларига тўғри келади. Патент — меҳнат муҳожирининг қаерда ишлашига қараб бериладиган вақтинчалик рухсатномадир.

Ушбу патентни олиш учун меҳнат муҳожирлари бир қатор қўшимча талабларни бажаришга мажбурлар. 2015 йил 1 январдан бошлаб хорижий фуқаролар ишлаш учун патент, ишлашга рухсатнома ҳамда вақтинчалик яшаш учун рухсатнома олишлари учун қўшимча ҳужжат — рус тилини билиши, Россия тарихи ва Россия Федерацияси қонунчилиги ҳақида

қуйидаги ҳужжатлар билан ҳам тасдиқлашлари мумкин:

— Собиқ СССР таркибига кирган давлат ҳудудидидаги таълим муассасаси томонидан 1991 йил 1 сентябргача берилган умумий ўрта таълим даражасидан паст бўлмаган таълим тўғрисидаги давлат намунасидаги ҳужжат;

— 1991 йил 1 сентябргача Россия Федерацияси ҳудудидида давлат якуний имтиҳонидан мувафақиятли ўтган шахсларга берилган таълим ёки малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжат.

Сертификатдан ташқари патент олиш учун меҳнат муҳожирининг Россияга келишидан асосий мақсади айнан ишлаш эканлигини кўрсатувчи муҳожирлик картаси, Россиядан сотиб олинган тиббий суғурта полиси ҳамда хавфли касалликларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида Россиядан олинган маълумотнома талаб қилинади.

Патентнинг амал қилиш муддати 1 ойдан 12 ойгача бўлиб, унинг муддатини максимум яна бир йилгача узайтириш мумкин. Меҳнат муҳожирлари сонини мувофиқлаштириб бориш

ичида мурожаат қилмаган ва кеч қолган тақдирда 4-5 минг рубль миқдоридида жаримага тортилади.

2015 йилдан бошлаб МДХ давлатлари фуқароларининг Россия Федерацияси ҳудудига киришлари учун хорижий паспорт талаб қилинади. Ушбу талаб ҳозирча Қирғизистон ва Украина фуқаролари учун амал қилмайди.

Янги йилдан муҳожирлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун белгиланадиган жазолар ҳам оғирлаштирилди. МДХ давлатлари фуқаролари ишлаш учун рухсатномасиз ҳар 180 кунда 90 кундан ошмаган муддат ичида Россия Федерацияси ҳудудидида бўлишлари мумкин. Агар улар Россия Федерацияси ҳудудидида белгиланган муддатдан ошган ҳолда 180 кундан 270 кунгача қоладиган бўлса — улар учун Россия ҳудудига кириш 5 йилга ёпилади. Агар уларнинг Россия ҳудудидида ноқонуний бўлиш муддати 270 кундан ошган бўлса — 10 йил давомида Россия ҳудудига киришлари таъқиқланади.

ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбекистоннинг янги депутатлари кимлар?

Ўтган яқшанба кунини Ўзбекистонда парламент қўйи палатасига сайловлар бўлиб ўтди.

Маҳаллий ОАВ хабар беришича жами 128 та депутат сайланган.

Хабарда таъкидланишича, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати бўлган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан — 47 та депутат, «Миллий тикланиш» партиясидан — 28 та, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 21 та, «Адолат» ижтимоий-демократик партиясидан эса 17 та депутат сайланган. Шунингдек квота бўйича 15 та ўринга Экологик ҳаракатдан

депутатлар сайланган.

Подробно.уз агентлиги янги қонун ижодкорларининг таркиби ҳақида маълумот эълон қилди.

Унга кўра, янги сайланган 128 та депутатдан 21 таси аёллардир.

38 тасини эса мамлакат парламенти қўйи палатасининг олдинги қақариқда ҳам сайланган депутатлар ташкил қилади.

Депутатлар орасида иқтисодиёт соҳасидан — 31 та, таълим соҳасидан — 26 та, ҳуқуқшунослардан — 33 та, ишлаб чиқариш соҳасидан — 21 та, соғлиқни сақлаш соҳасидан — 7 та, жамоат ташкилотларидан — 3 та, бошқа соҳалардан — 7 та одам

сайланган.


Ёшига кўра депутатлардан — 6 киши 29 ёшгача, 39 та депутат — 30-39 ёш оралиғида, 44 таси — 40-49 ёш оралиғида бўлса, 50 ёшдан юқори бўлганлар сони 39 тани ташкил қилади.

43 та депутат магистрлик, номзодлик ва докторлик даражаларига эга.

Депутатлар таркибида турли миллат вакиллари, жумладан, ўзбеклар, қорақалпоқлар, руслар, тожиклар, қозоқлар ва корейцлар бор, дейилади хабарда.

UZBEK.FM

21 декабрь куни Ўзбекистонда парламент сайловлари деб аталган тадбир амалга оширилди. Ушбу тадбир натижаларининг республика сиёсий ҳаётида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги барчага маълум. Бироқ, барчанинг диққат эътиборида турган нарса — парламент сайловлари натижалари эълон қилинганидан сўнг уч ой ўтиб Ўзбекистонда президентлик сайловлари бўлиб ўтиши кераклигидир. Айниқса келаётган ойда 77 ёшга тўладиган ва чорак асрдан бери ҳокимиятни ноқонуний эгаллаб келаётган узурпатор Каримовнинг яна ҳокимиятда қолиши ёки ўрнини ўз ворисига бериши билан боғлиқ савол ҳаммани қизиқтиради.



КАРИМОВ ВОРИСЛИК МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ҚИЛГАНИЧА ЙЎҚ — ЭКСПЕРТ

Ўзбекистондаги парламент сайловларининг ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги, Каримовнинг навбатдаги маротаба ўз номзодини илгари суриши ва Марказий Осиё барқарорлигига асосий таҳдидлар ҳақида Марказий Осиё бўйича эксперт Аркадий Дубнов Sloп нашрига берган интервьюсида фикр билдирди.

- Сизнинг фикрингизча Ўзбекистондаги парламент сайловлари саҳналаштирилган томошами?

— Ҳа, ва бу фақат менинг фикрим эмас. Мен бошқача фикрлайдиган биронта таҳлилчини билмайман, Марказий Осиё ва айнан Ўзбекистон билан шуғулланадиган таҳлилчилардан тортиб мамлакат ичкарасида фаолият кўрсатадиган ҳукуматпараст шарҳловчиларгача ҳаммаси шундай фикрда деб ўйлайман. Албатта улар ўз фикрларини ошқора билдиришмайди, аммо бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

- Демак, ўзбек парламенти мамлакатда гўёки қонунчилик ҳокимиятини намоён қилиш мақсадида фойдаланиладиган декоратив орган холос?

— Шубҳасиз. Бироқ, парламент фақат кўрказма учун қўлланилмайди. Шунингдек у Каримовга ташқи ёки ички дунё учун қандайдир ишорат бериш учун ҳам керак. Бундай ишоратлар парламент орқали ўзбекиёсатининг эгри-бугри йўналишини ифода этади. Бошқа сўз билан айтганда, ташқи кучларнинг қандайдир

ҳаракати расмий Тошкент томонидан хуш кўрилмаганида ҳорижий ҳамкорларга тегишли ишоратни беришда парламентдан фойдаланишади. Худди мана шу йўсинда 2005 йили Хонободдаги АҚШ ҳарбий базасини ёпиш тўғрисида парламент орқали қарор қабул қилдирилган. Тошкентнинг қайсидир масала юзасидан ўз аразини ёки розилигини ифодалашда бу жуда қулай бир усулдир.

- Бундан келиб чиқадики, сайловларда иштирок этган партияларга (Либерал-демократик партияси, Халқ-демократик партияси, «Миллий уйғониш» партияси ва «Адолат» ижтимоий-демократик партиялари) баҳо бериш имкони йўқ?

— Мен ушбу сиёсий партияларда қандайдир сиёсий таркибни ажратиб кўрсата олмайман. Бу партияларга кимлар аъзо, уларнинг лидерлари кимлар эканлиги ҳақида ҳеч ким билмайди. Ҳеч қандай тарғибот ҳам йўқ. Бегона одам улар ҳақда фақат расмий нашр қилинган манбалар орқали маълумот олиши мумкин. Бошқа иложи йўқ.

- Ўзбекистонда муҳолифат йўқ, бироқ кланлар бор. Улар ўртасида кураш кетмоқда, аммо буни сиёсий кураш деб айта олмаймизми?

— Ҳокимият учун ҳар қандай кураш — сиёсий курашдан бошқа нарса эмас. Бироқ Ўзбекистонда бу ошқора расмийлаштирилмаган, балки яширин бир тарзда олиб борилади. Бу эса унинг қонун ташқарисида эканлигини

англамайди, балки бу Ўзбекистон учун хос бўлган мувозанат тизимидир. Ушбу курашнинг характери уни олиб борувчи шахсларнинг Каримов тўдасидаги ўрни ва режимда эгаллаган мавқеи билан белгиланади. Масалан, Бош вазир бир кланга тегишли бўлса, Бош вазир ўринбосари — бошқа клан вакили, қайсидир таъсирли вазир эса учинчи бир кланга хизмат қилади.

- Яъни кланлар ўз сиёсий курашида парламент, фракциялар ва депутат гуруҳларидан фойдаланишмайди?

— Менга бу ҳақда эч нарса маълум эмас. Ва ўйлайманки сизга бу ҳақда бирон маълумот бера оладиган одамни ҳам топа олмайсиз.

- Сиз бўлиб ўтган парламент сайловларининг асосий аҳамияти улар ўтказилганидан сўнг Каримовнинг навбатдаги муддатга ҳокимиятда қолиш ёки қолмаслик истагининг маълум бўлиши эканлигини тилга олдингиз. Сизда бу ҳақда бирор маълумот борми? Бу гапга қанчалик ишонса бўлади?

— Бу гапга тўлиқ ишонса бўлади. Бугунги кунда бу кундек равшан. Ўзбекистон атрофидаги, минтақадаги ва дунёдаги вазият жуда мураккабдир. Иқтисодий инқирознинг янги тўлқини кириб келмоқда, Афғонистондан коалиция кучларининг олиб чиқиши ортидан беқарорлик таҳдиди ортиб бормоқда. Шунинг учун баъзилар

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

синалган доҳийдан бошқа ким мамлакатни ушбу вазиятдан олиб чиқа олади деб ҳисоблашади. Бу биринчиси. Иккинчидан, ҳаттоки биз янглишаётган бўлган тақдиримизда, яъни Каримов ўзига ворис тайинлашга қарор қилган тақдирда ҳам бир неча ойдан иборат бўлган қисқагина муддат ичида бўлажак номзодни мамлакат ичида халққа ва мамлакат ташқарисида таништиришга қандай улгуради?

Президент сайлови эса парламент сайловлари натижалари эълон қилинганидан сўнг 90 кун ўтиб бўлиб ўтиши лозим. Мен ҳозир номзодликка даъвогарларнинг рейтингини ҳақида гапириб ҳам ўтирмайман.

- Демак Рустам Иноятовни бўлажак президент дейишга ҳали эртароқми?

— Буни эрдан чиқаринг. У жуда кучли таъсирга эга шахс, аммо менинг ишончим комилки, унинг президент бўлмаслиги

ҳақида қандайдир келишув бор. Хавфсизлик тизими раҳбари албатта ўз ҳокимиятини сақлаб қолади, фақат бу Каримов томонидан танланган ворис ёрдамида амалга ошади.

Мен президентликка номзодларни бирма-бир санаб ўтишни истамайман, чунки бунинг ҳозирча аҳамияти йўқ. Биринчидан, аниқ билмайман, адашсам эҳтимол хафа бўлишар. Энг ёмони кўркишади.

ЎХХ ахборот бўлими

Рублнинг қадрсизланиши Ўзбекистондаги текстил корхоналари фаолиятини деярли тўхтатиб қўйди

Рублнинг кескин қадрсизланиб кетиши асосан Россия корхоналари буюртмалари эвазига фаолият юритаётган ўзбек текстил корхоналари ишини деярли тўхтатиб қўйди. Россия енгил саноатчилари ўзбек ҳамкасбларига буюртма беришни тўхтатгандан кейин Ўзбекистондаги кўплаб корхона ва фабрикалар ишсиз қолиб кетишган.

Соҳа мутахассиларидан бирининг сўзларига кўра, Ўзбекистон енгил саноати корхоналарининг деярли 70-80 фоизи Россиядан келаётган буюртмаларни, масалан, ип йиғириш, газлама тўқиш, газламани бўяш каби ишларни бажариш эвазига фаолият юритиб, фойда кўришаётган эди.

“Россияда молиявий бўҳронлар бошлангандан кейин у ёқдан корхоналаримизга келаётган буюртмалар тақа-тақ тўхтади. Бунинг натижасида ўзбек тўқимачи корхоналарининг деярли 70-80 фоизи ишсиз қолиб кетди. Ишчилар

маошсиз таътилга юборилмоқда”, — дейди “Ўзбекенгилсаноат” уюшмаси мутахассисларидан бири.

Унинг айтишича, Россиядаги ҳозирги молиявий қийинчиликларнинг барҳам топишидан ўзбекистонлик аксарият текстил корхоналари ҳам манфаатдор. “Президент Каримов ва унинг ҳукумати ўзбекистонлик тадбиркорлар ўз маҳсулотларини асосан МДҲ мамлакатлари, хусусан, Россия ва Қозоғистонга экспорт қилаётганини, республика иқтисодиёти дунёнинг бошқа давлатларига деярли ҳеч нарса таклиф қила олмаётганини яхши билишади. Улар республика валюта ҳазинаси асосан Россия ва Қозоғистонда меҳнат қилаётган ўзбек мардикорлари жўнатган пуллар эвазига шаклланаётганини ҳам билишади. Лекин шунга қарамадан, Каримов ва унинг тарғибот машинаси “Ўзбекистон дунёга юз тутмоқда!” — дея жар солишдан тўхтамаяпти. Бу ҳам

етмагандек, аҳмоқ Каримов Россиядек фойдали иқтисодий ҳамкор билан алоқаларни совутишга ва узишга уринмоқда. Менимча, иқтисодиёт фанлари номзоди Ислом Каримов ривожланган иқтисодиётни қандай қилиб чўктириш ҳақида диссертация ёқлаган бўлса керак”, — дея кулади “Ўзбекенгилсаноат” ходими.

Рублнинг қадрсизланиши ордан Ўзбекистон енгил саноати корхоналари фаолиятининг деярли тўхташи Россиядаги молиявий бўҳроннинг ўзбек иқтисодиётига кўрсатаётган илк салбий таъсири эмас. Аввалроқ, яъни рублнинг нарҳи кескин пасая бошлагач, Россиядан Ўзбекистонга ўзбек мардикорлари томонидан юборлаётган валюта жўнатмаларининг ҳажми ҳам кескин камайиб кетган эди. Уз навбатида бу ҳолат, Ўзбекистон қора бозорларида АҚШ долларининг кескин камайиб ва қимматлаб кетишига олиб келганди.

ЎХХ ахборот бўлими

Туркия сиёсий партия лидерлари Муҳаммад Солиҳни зиёрат қилишди



21 декабрь куни Туркия Буюк Бирлик Партиясини раиси Мустафо Дестижи ва партия фаоллари Ўзбекистон Халқ Ҳаракати лидери Муҳаммад Солиҳ хонадонига ташриф буюришди. Сиёсий партия лидерлари Муҳаммад Солиҳнинг умр йўлдоши, доктор Ойдин Солиҳ вафотига қирқ кун тўлиши муносабати билан таъзия билдиришди. Меҳмонлар Ислом тиббиёти устози Ойдин Солиҳ илмий меросининг аҳамияти ва уни амалиётга тадбиқ масалалари борасида суҳбатлашишди.

Ташриф якунида ҳакима Ойдин Солиҳ руҳига бағишлаб фотиҳа ўқилди.

ЎХХ ахборот бўлими

Нима есанг, ўша ерга борар экан: -Кўй эти этга — Кўй калласи бетга(бошга)...

Авваломбор, янги йилда янги-янги бахт(бахтнинг ҳам янги — эскиси бўларканми?...) тилайман — деган ҳамма томонидан бир-бировларига айтиладиган қайноқ ва ёқимли, бироқ сохта табриклар билан муборакбод этмаётганлигим учун узр сўрайман...

Шунчаки, инсон бўлайлик — Ўзининг қули бўлайлик ва Яратган Эгамнинг назаридан қолмайлик, бахтни ўз қалбимизда ҳис этайлик ва бунинг учун шунга муносиб бўлайлик, ўз бахтимиз учун ўзимиз муносиб курашайлик — деган содда ниятлар қилмоқчиман.


Ҳа, 2014 йил, умримизнинг бир бўлаги, таъбир жоиз бўлса мазмунлими-мазмунсизми ҳаёт йўлимизда давом этиш баробарида яна бир доvon ортда қолди ва муқаррар етмоқлик, -«Ўзининг даргоҳи»га ўзимизга муносиб

чуйда нарсаларнинг ўзи йўқлигини англаб етмоқлиги лозимлигини, яна бир бор онг-шуурингизга етказмоқликни ният қилганман.

Бунинг ўрнига жуда содда ва жўн таклиф киритмоқчиман:

Тиббиёт ҳам ва халқ табобати ҳам инкор этмайдики, қўй гўштидан кўра қора мол гўшти инсон организмга фойдали ҳамда афзал эканлигини ва бундан ўз-ўзидан келиб чиқадики қора мол калласи ҳам афзал эканлиги...

Шунинг учун ҳам, қўй миясига иштиёқманд кишиларимиз, уни қора мол мияси билан алмаштириб есалар



ХОЛДОР РАВШАН: ЎЗИМИЗГА ХОС-ЎЗИМИЗГА МОС «ҚЎЙ» ЙИЛИДА ТИЛАКЛАРИМ !...

амали-ёдимизла етмоқликка бир қадам яқинлашдик, муборак бўлсин -ИншоОллох.

2015 йилда азиз инсонларга, қуйидаги самимий ва ҳаётчил тиликларни изхор этмоқчиман:

Айрим кишилар оқсилсизликдан — аксарият кишилар йўқчилликдан, қўйнинг калла пойчасини мунтазам истемол қилишлари бор ҳақиқатдир, ҳамда ушбу махсулотни тиббиёт ҳам ва халқ табобати ҳам тақиқламаслиги ҳам ҳақиқатдир, шунга кўра мен ҳам бирор бир эътироз билдиришликка ҳаққим йўқдир...

Аммо, қўйнинг миясини чақиб — мияни тарелкага тўкиб-тузлаб-мурчлаб-мазза қилиб бўкиб тановул қилишларига қатъи қаршилигим бордир, бунга асосим эса:

-Нима еса, ўша ерга боришлиги: — Қўй эти этга — калласи бетга(бошга) — мияси эса ...

Ушбу сатрларни эрмак учун ёзаётган, ёки кимдир устидан қулиш ёки ҳақорат қилишлик учун ёзаётган эмасман, балки ҳар бир инсоннинг ўз тақдирини (Оллохнинг хоши-иродаси бирлан) ўзига ҳам боғлиқ эканлигини, ўз бахти учун ўзи муносиб курашмоқлиги зарур эканлигини, худди Ойдин Солих Хоним(Худо раҳматига олсин), айтганларидек ҳаётда майда-

айни муддао бўлар эди, агарда бунинг тиббиёт ва табобат таъқиқламаса албатта:

Биринчидан: Қора мол (ХЎККИЗ-НОВВОС) калласи ва мияси қўйниқидан анча катта эканлиги ва оқсилсизлар учун ҳам ва йўқчиллар учун ҳам етарлича бўлишлиги, айна муддао эмасми?

Иккинчидан: Қора мол (ХЎККИЗ-НОВВОС) — ўта қатъиятли ва қайсар эканлиги, айна ҳақиқат эмасми?

Учинчидан: Қора мол(ХЎККИЗ-НОВВОС)нинг ўта кекчи — ўчини, қасдини олмай қўймайдиган (злопамятний) эканлигини, ким инкор эта оларкан?

ХУЛОСА қиладиган бўлсак:

Тўртинчидан: Бизнинг қўйдек ювош халқимизнинг ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқи учун курашга бел боғлашлиги учун, айнан қатъият ва қайсарликнинг йўқлигини ким инкор эта олар экан?

Бешинчидан: Айнан диктатор Президентнинг ўта қайсар ва қайтмас(Исмаи Хўшевнинг таъбири асосида) бир сўзли эканлиги, айнан мучали Хўкиз бўлганлигидан эканини ким инкор эта олар экан?

Олтинчидан: Қўйдек ювош жониворга ўхшаш ва қўй мижоз халқнинг, Хўқкиздеқ қайсар-қайтмас ва ўта кекчи — ўчини, қасдини олмай қўймайдиган

кишига муносиб кураша олиши мумкинлигига, ким ишона олар экан?

Еттинчидан ва энг асосийси: мучалини ўзгартириш бандасининг измида эмаслигини инобатга олган ҳолда, ҳеч бўлмаганида Хўқкиз мучалдаги инсонга етарлича қатъият-қайсарлик кўрсатиш ва унинг ўта кекчи, қасдини олмай қўймайдиган миясини англаш мақсадида ҳам, сиз ва биз ҳеч бўлмаганида ХЎККИЗ-НОВВОС боши ва миясини кўпроқ ейшимиз лозим деган таклифимга ким норози бўлар экан, майли ҳар бир инсоннинг ўз виждони ва ақлу-заковатига ҳавола!...

Зеро, мен бежизга: — Ҳеч нарса қилмагандан — ҳеч нарса қилган афзалроқдир, ҳеч нарса қилмаган, ҳеч қачон ҳеч нарсага эриша олмайди, ҳеч бўлмаганида, ҳеч нарса бўлсада қилмоқчи бўлган,

албатта, қачондир — нимагадир эришмоқлиги мумкин!!! — деган сўзимни айтмагандирман...

Холдор Равшан

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Мухаррир: Замир Малик